



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Усманова М.А.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
“Жиноий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори

Закурлаев А.К.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
“Жиноий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7088788>

ARTICLE INFO

Received: 11th September 2022
Accepted: 13th September 2022
Online: 17th September 2022

KEY WORDS

меҳнат қилиш ҳуқуқи, ходим, меҳнат қонунчилиги, ёлланма меҳнат, ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш;

ABSTRACT

Мақолада меҳнатга қонунчилигини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинади. Бунда муаллиф бугунги кунда меҳнат қилиш ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари, уларни олдини олиш, ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солинишига оид муаммоларга алоҳида эътибор қаратиб, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифларни илгари суради.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи – инсоннинг энг муҳим табиий ҳуқуқларидан саналади. Меҳнат қилиш ҳуқуқининг амалда таъминланганлиги шахс мавқеининг мустаҳкам бўлиши, унинг нафақат иқтисодий жиҳатдан мустақиллиги, балки жамиятдаги ижтимоий мавқеининг белгиланишида ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва имконияти ҳар бир инсонга тақдим этилиши, унинг учун давлат ва жамият томонидан тегишли ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий чора-тадбирлар кўрилиши, унумли ва сифатли меҳнат қилиш учун шароит яратилиши лозим. Бунда давлат ўзининг қонунлари орқали фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқларини эътироф қилиши, уларни рўёбга чиқарилиши ва

самарали ҳимоя этилиши учун тегишли ҳуқуқий кафолатларни яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатлари демократик, инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосан ҳуқуқий тартибга солинган ҳамда бозор муносабатлари шароитидаги замон талабларига жавоб беради. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида назарда тутилган “ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва



қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга” эканлиги ҳақидаги қонидани амалга оширишга қаратилган барча муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ўрнатилган.

Ўзбекистонда аҳоли бандлиги даражасини ошириш, фуқароларни иш ва тирикчилик манбаи билан таъминлаш, уларга ўз инсоний салоҳиятларини омилкорлик билан ишга солганлари ҳолда фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш устувор вазифага айланди. Хусусан, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги (2021), “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (2016), “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги (2019), “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2019), “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги каби қонунлар қабул қилинди. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати тўлиқ бартараф этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия қабул қилинди. Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайлангани юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқаро миқёсдаги юксак эътирофидан далолатдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалда таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганлигига қарамасдан жойларда меҳнат ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари мавжуд. Масалан, жорий йилнинг 10 ойи давомида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекциясига 20814та мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатлар иш

берувчилар томонидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни вақтида тўламаслик(6329), иш ҳақидан мажбурий ушлаб қолиш(732), ишга қабул қилишда қонун бузилиш ҳолатлари(765)

ишга қабул қилишни рад этилганлиги(723), ноқонуний ишдан бўшатилиш(2244), норасмий ишлатиш(1644), меҳнат дафтарчалари юритилишидаги қонун бузилиши(378), иш вақтига рия этилмаганлик(279), бахтсиз ҳодисалар (144), товон пулини тўламаслик(137), меҳнат шароитлари яратилмаганлиги(61), меҳнатни муҳофаза қилиш(238) бошқа масаларга оид 6467 тани ташкил қилади.

Мурожаатларни текшириш натижада 10 441 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. Шундан, 12 152 таси қаноатлантирилган, 7832 тасига тушунтириш берилган.

Юқоридаги таҳлилларга кўра, бозор талаблари ва тамойилларининг ижтимоий ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётгани туфайли тараққиётимиз суръатларини керакли даражада бўлишини таъминлаш учун ўзгартириш ва янгилаш жараёнларини узлуксиз давом эттириш, олдимизда пайдо бўлаётган муаммо ва вазифаларни ўз вақтида ҳал этишимиз, Янги Ўзбекистонга ҳамда унинг тараққиётига жавоб берадиган янги қондаларни киритиш кераклиги, конституциявий ислохотларни объектив зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда.

Маълумки, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда қабул қилинади. Мазкур қонун ҳужжатлари давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлмиш фуқароларни иқтисодий-ижтимоий



жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларга муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

2017-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илгари сурилган мақсадлар орасида аҳоли бандлиги даражасини ошириш, фуқароларни иш ва тирикчилик манбаи билан таъминлаш, уларга ўз инсоний салоҳиятларини омилкорлик билан ишга солганлари ҳолда фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш устувор ўринда туради.

Меҳнат қонунчилигини ислоҳ этилиши меҳнат бозорини самарали фаолият кўрсатиши, ишлаб чиқариш жараёнида шахс-давлат-жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлаш, фуқароларнинг фаровон турмуш кечиришлари, ишсизликдан ҳимояланиши, уларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашнинг аниқ механизмини белгилаши билан боғлиқ бўлиши керак. Бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қарийб йигирма тўрт йил олдин, 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган бўлиб, унинг асосий тармоқ қонуни сифатидаги аҳамияти - меҳнат ва меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ягона ёндошувни таъминлаб берганидадир.

Ҳаммамизга аёнки, мамлакатимизда демократлаштириш жараёнлари чуқурлашаётган шароитда миллий қонунчиликни такомиллаштириш орқали жамиятимизнинг барча жабҳаларини, шу жумладан, меҳнат соҳасини босқичма-босқич

ўзгартирилишига эришилмоқда. Бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётгани ва бунинг натижасида жамият иқтисодий ҳаётида янгича воқеликлар, янгича қарашлар юзага келаётгани, меҳнатга оид ижтимоий муносабатлар мазмунан бойиб, шаклан ҳилма-ҳиллашиб бораётгани меҳнат соҳасида ўзаро муносабатларни тартибга солишда муайян муаммолар ва бўшлиқларни вужудга келтирди. Алоҳида таъкилаб ўтиш керакки, бозор муносабатларининг узлуксиз чуқурлашиб ва такомиллашиб бораётганлиги, нодавлат, хусусий сектор ишлаб чиқаришнинг салмоқли қисмини ташкил этиши, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмида ҳам хусусий сектор етакчи эканлиги, иқтисодий фаол аҳолининг жуда катта қисми айнан шу соҳада банд эканлиги, давлатимиз томонидан касаначиликни қўллаб-қувватланаётганлиги иш кучининг турли хусусиятлари намоён бўлиши меҳнатга ва меҳнат ҳуқуқига янгича ёндошувларни тақозо қилмоқда. Амалдаги Меҳнат кодекси ва меҳнат қонунчилиги бугунги кунда меҳнат соҳасининг барча жабҳаларини қамраб олган бўлсада, унинг бир қатор норма ва қоидалари замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқилиши ва такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда меҳнат ҳуқуқи фанининг амалиётдан ортда қолаётганлиги, кўпчилик қонунлар ва қонун ҳужжатлари илмий-назарий таҳлилларсиз, ижтимоий жараёнларнинг меҳнат муносабатларига таъсири етарли ўрганилмагани, амалий эҳтиёжларга таянилгани ҳолда қабул қилинаётганлиги кузатилмоқда. Бозор муносабатларининг салбий оқибатлари



ва таъсирдан ходимларни ҳимоялашга хизмат қилувчи воситалар ишлаб чиқиш ва жорий этилиши ҳақида сўз юритилар экан, бунда мавжуд қонунларни такомиллаштириш, улардаги камчиликларни, етарли даражада самарали ишламаётган нормаларни, тез ўзгариб бораётган замон талабларига мос келмасдан қолган қоидаларни бартараф қилиш, улар ўрнига ислохотларимиз мазмунига, одамлар манфаатига тўла жавоб берадиган ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни белгилаш, жорий қилиш тўғрисида ҳам ўйлаш лозим.

Инсон манфаатлари олий қадрият ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари устувор мавқега эга эканлиги тамойилидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қонунчилигида қарор топган айрим муаммолар ҳамда уларнинг илмий ечимлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритишни мақсадга мувофиқ деб топдик: Бунда,

- бозор муносабатлари чуқур илдиз отиб, тез ривожланиб бораётгани ҳолда айрим меҳнат муносабатларининг қонун доирасидан ташқарида қолаётгани ёки етарли қамраб олинмагани, бундай муносабатларга қаратилган юридик механизмларни мавжуд эмаслиги ёки жуда жўн кўринишда эканлиги;

- иқтисодий ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар бозор тамойиллари асосида янги қирралар касб этаётгани, узлуксиз ривожланиб бораётгани ва янги-янги муаммо ҳамда вазифалар олдимизда пайдо бўлаётганига қарамасдан эскича ёндошувларга асосланувчи норматив-ҳуқуқий база муайян даражада сақланиб қолаётгани ва натижада улар тараққиётимизга тўсиқ бўлаётгани;

-ёлланма меҳнатни тартибга солиш, бунда меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини, айти пайтда тадбиркорлар манфаатларини ифодаловчи ва тартибга солувчи халқаро ютуқлар, илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, меҳнатга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш ва уларда мустаҳкамланган самарали механизмларни жорий қилиш, улардан фойдаланиш суръатини ошириш;

-меҳнат муносабатларини тартибга солинишида тармоқ ва бошқа кўрсаткичлар бўйича табақаланган ҳолда ёндошувни янада кучайтириш тақозо этилаётгани ва бусиз ижтимоий адолат тамойилига путур етиши мумкинлиги, шу сабабли бу соҳадаги мавжуд қонунчилик тизимига танқидий ёндошган ҳолда уни кучайтириш чораларини кўриш каби ҳолатлар диққатни тортди.

Юқорида қайд этилган вазифалар ўз аҳамиятига кўра долзарб бўлиб, меҳнат муносабати иштирокчилари ўртасида ижтимоий адолатни қарор топиши, “инсон - жамият - давлат” тамойилининг амал қилиши, охир-оқибатда жамиятда қонунийлик ҳамда барқарорлик янада мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида меҳнат қонунчилиги тараққиёти мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасига ҳамда ҳуқуқий давлат барпо қилиш соҳасида қўлга киритган ютуқларимизга мос бўлиши, фуқароларимизнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш билан бирга бу соҳада ҳуқуқ бузилишига йўл қўймаслик, одамларимизнинг



иқтисодий фаолликларини янада
оширишга хизмат қилмоғи лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш.М.Мирзиёев

таъкидлаганидек: "...инсон манфаати ҳар
нарсадан улуғ, деган эзгу ғояни изчил
давом эттириш, ҳаётимизни янада обод
ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан
қадам бўлади".

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.
3. Мирзиёев Ш.М. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови". Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь.